

ЎЗБЕКИСТОНДА ШИРИНМИЯ (*GLYCYRRHIZA GLABRA L.*) ЎСИМЛИГИНИНГ БИОЭКОЛОГИК ВА БИОФАОЛЛИК ХУСУСИЯТЛАРИ.

Д.М Садуллаева

Бухоро давлат университети

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7359231>

Маълумки, табиат янги терапевтик бирикмаларнинг манбаи ҳисобланади, чунки улар кимёвий хилма-хил доривор моддалар сифатида миллионлаб тирик организмларда учрайди. Ер юзи флорасининг таркибида доривор ўсимлик турлари жуда кўп. Мазкур турдан турли касалликларни даволашда дори воситалари тайёрланади. Шундай муҳим аҳамиятга эга бўлган ўсимлик ширинмия (*Glycyrrhiza L*) туркум вакиллари ҳисобланади. Ширинмия бурчоқдошлар оиласига мансуб бўлиб, бўйи 50-80-100, баъзан 150 см га етадиган ер остки қисми кучли тарраққий этган, илдизпояли, қалин, тик, вертикал илдизпоялар ҳосил қилиб сувли қатламгача етиб боровчи, куртаклари ва узунлиги 1 м гача бўлган асосий илдизи билан судралиб юривчи ер ости куртаклари қурғоқчил жойларда ўсишга мослашган кўп йиллик ёввойи ўсимлик бўлиб, унинг асосий илдизи узунлиги 4-5 м гача бўлади. Меваси пишгандан сўнг очиладиган дуккакли ўсимлик ҳисобланади. Ширинмия туркуми вакиллари илдизлари эластик деформацияланган толали тузилишга эга ва таркибида турли хил табиий бирикмалардан флавоноид, стероид, органик кислоталар, шунингдек, глюкоза, сахароза, крахмал ва бошқа моддалар мавжуд бўлиб улар тритерпен гликозидларни йиғади. Асосий гликозидлардан бири - глицирризин кислотаси ҳисобланади. Глицирризин кислотаси табиатда ширинмия ўсимлиги илдизи таркибида 2-25% гача бўлади. Унинг миқдори ўсимликнинг ўсадиган майдони, иқлимига, мавсумга, тупроқ таркибига ва ўсимликнинг ёшига боғлиқ [1, 2]. Ширинмия бурчоқдошлар оиласига мансуб бўлиб ер юзида 22 тури учрайди. Ширинмия туркуми турлари орасида силлиқ ширинмия (*Glycyrrhiza Glabra L*), урал ширинмияси (*Glycyrrhiza uralensis Fisch.*) ва коржинский ширинмия (*Glycyrrhiza korshinskiyi Grig.*) кенг тарқалган. Бу турларнинг илдизида асосий фаол модда глицирризин кислотаси бўлиб, уларнинг ширин таъми биологик фаол таъсирини белгилайди.

Ширинмия ўсимлигининг ватани Ўрта ер денгизи ва Осиёнинг айрим ҳудудлари ҳисобланади. Тарихий жиҳатдан бу ўсимликнинг қуритилган илдизпоялари ва илдизи тиббиётда Миср, Хитой, Юнон, Ҳинд ва Рим

халқлари томонидан балғам кўчирувчи сифатида ишлатилган.Ширинмия илдизидан доривор маҳсулотлар тайёрлаб қадимдан ишлатилиб келинган.Ширинмия турлари орасида *Glycyrrhiza glabra* доривор сифатида кўп ишлатилади, чунки унинг илдизи таркибида жуда кўп фармакологик фаол компонентлар мавжуд.Буларнинг барчаси ширинмия илдизининг саноат хом ашёси сифатида қайта ишлаш муҳимлигини тасдиқлайди. Ширинмия (*Glycyrrhiza glabra* L.) - қадимги тиббиёт тарихида энг кўп ишлатиладиган ўсимликлардан бири бўлиб, у дори сифатида, шунингдек хушбўй таъм берувчи ўсимлик сифатида ҳам қўлланилган. Ширинмия ўсимлигининг илдизи 4000 йилдан ортиқ вақт давомида тиббиётда ишлатилиб келинмоқда. Сўнги 20-25 йил мобайнида Глицирризин кислота композит дориларни излашда энг кенг қўлланиладиган компонентга айланди.

Ширинмия Европага 12-асрда араб тиббиётидан кириб келгн ва шу вақтдан бошлаб у дори-дармон сифатида қадимги Хитой, Миср ва Бирмада тиббиётда кенг қўлланилган. Шу даврларда ширинмия қадимги Ҳиндистонда, Тибет тиббиётда катта эътирофга эга бўлган. Россияда ширинмия илдизидан саноат миқёсида дори-дармон ишлаб чиқариш дастлаб 1980-йилларнинг охирида бошланган. XIXасрда Америка ва Британиянинг фирмалари томонидан унинг ҳажми 50 минг тоннага етказилди. 1929-1934-йилларда ширинмия захиралари бутун Озарбайжон бўйлаб аниқланди. Сўнгра 30 йилдан кейин ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, ширинмия ўсимлигининг умумий майдони 5 баробар, жами захиралари эса 4 баробар камайди[3]. Яна 30 йил ўтгач ресурсларнинг сезиларли камайиши кузатилди.1906-йилда Марказий Осиё , жумладан, Ўзбекистонда (Амударё атрофлари)ширинмия илдизининг жуда катта захиралари мавжуд эди. Ширинмия (*Glycyrrhiza glabra*L.)бошқа турларга нисбатанЎзбекистондакўп учрайди. айниқса Бухоро ҳудудидаариқ, зовурлар атрофи, шўрхок ерлар, қияликлар ва паст текисликларда ҳамда шаҳар маркази кўчалари, маданий истироҳат боғларида ширинмияни учратиш мумкин. Республикамининг барча ҳудудларида ширинмия(*Glycyrrhiza glabra* L.) ўсимлиги кенг тарқалганлиги унинг нафақат тиббиётда балки фармацевтика, озиқ-овқат, косметология, енгил- саноат, металлургия ва бошқа бир қатор сохаларда асосий табиий хом-ашё сифатида қўлланилиши замонавий технологиялар ёрдамида ундан глицирризин кислотаси ажратиб олишга сабаб бўлди.

Сўнги йилларда юртимизнинг илмий ташкилотлари ва таълим муассасалари ширинмия илдизида мавжуд бўлган биофаол моддалардан

инсон танасидаги яллиғланиш, турли хилдаги яралар, аллергия, ОИТС, иммунотропга қарши таъсирли доривор моддалар, турли хил препаратлар ишлаб чиқилмоқда. Буларнинг барчаси ширинмия илдизи экстрактларини ишлаб чиқариш жуда муҳимлигини тасдиқлайди. Бундан ташқари ширинмия таркибидаги глицирризин кислота антиспазмодик, лаксатиф, антидепрессант яллиғланишига ва диабетга қарши восита сифатида ҳам ишлатилган. Хусусан, ҳозирги кунда фармацевтика соҳасида Ўзбекистон олимлари томонидан ширинмия илдизи экстракти таъсирида терининг куйиши ва йирингли яралар, аллергия дерматозларни ҳамда буйрак касалликлари, юрак-қон томир касалликларини даволашда қўлланиладиган турли хилдаги препаратлар тайёрланган.

Хулоса қилиб айтганда, БМТ ва ЖССТ экспертлари, юртимиз олимлари ушбу маҳсулот ҳақидаги маълумотлари бизга глицирризин кислотасининг янги ҳосилаларини олишнинг янада самарали усулларини яратиш бўйича ишларни давом эттириш учун асос яратади.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Государственная фармакопия Х. Мин-во здравоохранения, Москва, 1990. 390 с.
2. Атабайева Х., Қодирхўжаев О. Ўсимликшунослик. Тошкент. “Янги асравлоди”. 2006. 185 б.
3. Ryabushkina N., Gemedjieva N., Kobaisy M., Cantrell C.L. Brief review of Kazakhstan flora and use of its wild species. The Asian and Australian J of plant science and biotechnology 2008. – 2(2) – С. 64-71.
4. Аммосов А.С., Литвиненко В.И., Попова Т.П. Использование солодки в мировой практике: Обзор патентных источников // Хим.-фармац. производство. Обзорн. информ.